

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 40-ҳадис

40 - *Абу Рабоҳ розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Ибн Аббос менга: «Сенга жаннат аҳлидан бўлган бир аёлни кўрсатайми?» деди. «Ҳа, албатта», дедим. У шундай деди: «Манави қора хотин. У Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, «Мени тутқаноқ тутади, шунда у ёқ-бу ёғим очилиб кетади, Аллоҳга менинг ҳақимда дуо қилинг», деди. У зот: «Агар хоҳласанг, сабр қилсан ва сенга жаннат бўлади. Хоҳласанг, сенга офият беришни сўраб Аллоҳга дуо қиламан», дедилар. Шунда у: «Сабр қиламан. Лекин у ёқ-бу ёғим очилиб кетади-да. Бўлмаса Аллоҳга дуо қилинг, у ёқ-бу ёғим очилиб кетмасин», деди. Шунда у зот унинг ҳаққига дуо қилдилар».*

1. Ато ибн Абу Рабоҳ розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Ибн Аббос менга: «Сенга жаннат аҳлидан бўлган бир аёлни кўрсатайми?» деди. «Ҳа, албатта», дедим. У шундай деди: «Манави қора хотин. У Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, «Мени тутқаноқ тутади, шунда у ёқ-бу ёғим очилиб кетади, Аллоҳга менинг ҳақимда дуо қилинг», деди. У зот: «Агар хоҳласанг, сабр қилсан ва сенга жаннат бўлади. Хоҳласанг, сенга офият беришни сўраб Аллоҳга дуо қиламан», дедилар. Шунда у: «Сабр қиламан. Лекин у ёқ-бу ёғим очилиб кетади-да. Бўлмаса Аллоҳга дуо қилинг, у ёқ-бу ёғим очилиб кетмасин», деди. Шунда у зот унинг ҳаққига дуо қилдилар».

Муттафақун алайҳ.

Манба: hadis.islom.uz

